

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

1 курс талабаси

АРИПОВ ЎТКИРНИНГ

“Ҳуқуқ нормаси” мавзусидаги

РЕФЕРАТ

ТОШКЕНТ – 2011

РЕЖА:

Кириш:

1. Ҳуқуқ нормаси тушунчаси.
2. Ҳуқуқ нормасининг мазмуни, белгилари.
3. Ҳуқуқ нормаларининг турлари.
4. Ҳуқуқ нормасининг таркибий тузилиши.

Хулоса:

Фойдаланилган адабиётлар.

КИРИШ

Ҳуқуқ нормалари ҳақида сўз кетганда бу мавзу юзасидан ёзилган дарсликларда, илмий ишларда, асарларда баён этилган, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг муаммолари буйича жаҳонда ва мамлакатимизда чоп этилган жуда кўп манбалар мавжуд. Ёқланган докторлик ва номзодлик диссертациялари бисёр бўлиб, буларнинг барчаси ўқув фани учун тўлақонли пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда кўпчилик олимларимиз ҳуқуқ нормаларига ўзининг берган таърифлари билан адабиётларимизни бойитиб келмоқда .

Ҳурматли Президентимиз Ислон Каримовнинг сўзлари билан айтганда “Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтариш лозим.”¹

Яратилаётган демократик ҳуқуқий давлат учун малакали кадрлар тайёрлайдиган олий юридик даргоҳларда бунга ўхшаш масалалар юзасидан бу нормаларни шакллантиришнинг янги шакллари ва усуллари изланмоқда. Ҳуқуқ нормаларига бўлган биз ёшлардаги қизиқишлар, устозларнинг талаби, ҳозирда замонавий дарсликлар ва қўлланмалар яратилишини талаб қилмоқда.

Ҳуқуқ нормалари жамиятимиз ҳаётининг бирон-бир жабҳаси билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир. Юртбошимиз айтганидек “Ҳуқуқ ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлишига эришмоғимиз даркор.”²

Бу мавзу юзасидан курс иши ёзишимдан мақсад ушбу мавзуга қизиқишимиз бошқа мавзуларга нисбатан баландлигидир.

Курс ишида ҳуқуқ нормаларининг тушунчасини , унга берилган таърифлар, ҳуқуқ нормасини ўзига хос хусусиятлари ва турли мезонлар бўйича таснифланганлигини, тавсиф ва хулосаларимизни берамиз. Курс ишининг мавзуси юзасидан ҳуқуқ нормаларининг юридик адабиётлардаги ўзига хос хусусиятларини санаб ўтамиз. Ҳуқуқ нормаларининг мазмуни

¹ Қаранг . Каримов.И.А. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”.Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 29-бет.

² Қаранг. Каримов .И.А. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”.Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 28-бет

буйича, ҳуқуқий тартибга солиш методи буйича ҳуқуқ нормаларининг турларга бўлинишини ҳамда ҳуқуқ нормасининг тузилиши каби масалалар юзасидан фикрлар қарашлар ўз аксини топган.

Президентимиз таъкидлаганидек “Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини жамият манфаатларини ҳимоя қилиши ва аҳолининг ҳавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлат барпо этиш.”³ бугун бизнинг асосий мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Шундай экан мен ушбу мавзунини алоҳида хусусияти, белгилари, тузилиши, турларини ва давлат ва жамият ўртасидаги ўзaro боғдиқликни ўрганиб чуқур таҳлил қилишдан иборат. Чунки ҳуқуқ иштимой фанларнинг отаси сифатида турли олимларнинг ёки инсонларнинг назарида турлича таснифланади, тарифланади. Мен ушбу жараённинг алоҳида фарқлари, кўринишларини ўрганиб чиқмоқчиман. қабул қилинаётган ҳуқуқ нормаси қанчалик даражада тўғрилиги давлат ва жамият ўртасида муносабат барқарорлигини таъминлаб беради. Негаки ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тизимининг бирламчи бўлини асоси ҳисобланади.

³ И.А.Каримов. “Кучли давлатдан кучли жамият сари”. ”Шарқ” 1998, 102-бет. 9-бет.

1. ҲУҚУҚ НОРМАСИ ТУШУНЧАСИ.

“Норма”- сўзи, лотинчадан таржима қилинганда, ”қоида”, “намуна” маъносини англатади.⁴

Ҳуқуқ нормаси - давлат томонидан белгиланадиган қафолатланадиган, муҳофаза қилинадиган унинг барча учун мажбурий ҳуқ-атвор қоидаларидир.⁵ Ҳар бир норма ўзида бирон бир ҳаракатни, юриш-туриш қоидасини, моделини ифодалайди.

Ҳуқуқ нормаси - барча ҳуқуқ субъектлари учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки санкцияланадиган ҳатти-ҳаракат қоидаси, ҳуқ-атвор намунаси бўлиб унда ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланади. Муайян бир ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган юриш-туриш қоидасида жамият, халқ ҳаётининг моддий шароитлари билан белгиланадиган хоҳиш иродаси, эрки, манфаатлари ифодаланади. Ҳуқуқ нормаси инсонларнинг бир бири билан бўладиган ўзаро муносабатларида қандай ҳатти ҳаракат моделига, намунасига риоя этишлари лозимлигини, бошқача қилиб айтганда , қайси ҳаракатни содир этиш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини кўрсатади. Шу маънода ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқий ҳуқ атвор мезони сифатида намоён бўлувчи дастлабки таркибий унсуридир.

Ҳуқуқ нормаларига Проф.С.С.Алексеев фикри билан ёндашадиган бўлсак, у бутун ҳуқуқни, ҳуқуқ тизимини қандайдир бир бинога, ҳуқуқ нормаларини эса унинг ғишт бўлакчаларига қиёслайди. Бундан кўриниб турибдики, ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тизимининг энг кичик, бирламчи унсуридир.⁶

⁴ Қаранг. “юридик энциклопедия “/ Таджихонов .У.нинг умумий таҳрири остида –Т.:”Шарк”.2001,650-б

⁵ Қаранг. Саидов.А, Тожихонов У, Давлат ва ҳуқуқ назарияси: 2-жилд, Ҳуқуқ назарияси-Т.:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ академияси .2001.-560-бет.

⁶Теория Государства и права : Уч для студ вузов об уч . Лод ред С.С. Алексеева – М Юрид . лит. 1985 ,480 ст .

Ҳуқуқ нормаси-бажарилиши шарт бўлган қоида. Модомики, бу норма қабул қилинар экан, унга қатъий риоя қилинишни талаб қилиши керак. Бордини муайян норматив қоидани такрорлаш зарур бўлса, аксарият ҳолларда буни ҳавола ёрдамида қилган маъқул. Маълум норматив қоидани умумлаштирувчи таърифлар ва тушунчалар ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин. Масалан айрим норматив ҳужжатларда маълум нарсалар санаб ўтилади ва кейинги моддаларда улар бир неча марта такрорланади.

Ортиқча тафсилотларга йўл қуйилмаслик учун бундай ҳолда биринчибор санаб ўтилганидан кейин қавс ичида муайян бир таъриф бериш ва кейинги ўринларда мазкур таърифни келтириш зарур .⁷

Ҳуқуқ нормаси жамият , давлат ва шахс учун кадр –қимматли булган , аҳамиятга молик булган ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттиради . Бунда адолат эркинлик ғоялари билан белгиланадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ йўли билан тартибга солиш предметига айланади.⁸ Шунини айтиб ўтиш жоизки, ҳуқуқ нормаларида ижтимоий воқеълик, унинг ривожланиши ва истиқболларини ифодалашнинг ўзига хослиги ва мураккаблиги еътибор марказида бўлиши лозим. Агарда илмийлик тамойилларидан чекланса, хато, маъқул бўлмаган ҳуқуқ нормаларининг қабул қилинишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган ҳаракат, ҳуқ-атвор қидасида жамиятнинг ,халқ ҳаётининг моддий шароитлари билан белгиланадиган эрки, манфаатларини ифодалайди. Ҳуқуқ нормаси шахсларнинг бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатида қандай хатти ҳаракат моделига, намунасига риоя этилишлари лозимлигини, яъни қайси ҳаракатларни содир этиш ёки этмаслик мумкин эканлигини кўсатади .

⁷ Одиқориев.Ҳ.Т.,Тулътеев И .Т. Икки палатали ларламент .-Т.: Ўзбекистон Ресубликаси ИИБ Академияси ,2005.-344 б,190-бет.

⁸ Исломов .З.М . Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари:ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги .-Т.: ТДЮИ.-2005.187-бет.

Ҳуқуқ нормалари ижтимоий жараёнлар, алоқалар такрорланиши натижасида муайян барқарорликни, анъанани ифодалайди ва мустаҳкамлайди .⁹

Ҳуқуқ нормаларининг умумий характерга эга эканлиги шунда кўринадикки , токи ҳуқуқий норма кўзда тутилган ҳолатлар юзага келаверар экан , бу норма ҳам қулланилаверади , қулланиладиган норма эса албатта кўчини йўқотмайди .Ҳуқуқ нормаларининг умуммажбурийлик характерга эга эканлик хусусияти ҳуқуқ нормасига аниқ риоя этиш ва ижро этиш ҳамда инсон юриш туришига давлат ва жамиятнинг таъсири бўлишлигини ифода этади .

Энг муҳим муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ тизимида етакчи аҳамиятга эга бўлиб , юридик жиҳатдан юқори салоҳиятли норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топади. Агар субъектнинг юриш –туриши ҳуқуқ нормаси талабларига мос бўлса , давлат ва жамиятнинг унга таъсири ижобий бўлади, аксига олиб мос келмаса , яъни норма талаблари бузилса салбий таъсир келтириб чиқаради. Унинг тартибга солиш воситаси сифатидаги аҳамияти шунда кўринадикки бирон-бир ҳуқуқ субъекти яъни, бу хусусан шахснинг ўзи, орган ёки муассаса ўз ҳаракатида ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган қоидага риоя этади .

Ҳуқуқ субъекти ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракат намунасига риоя қилган ҳолатида , ҳуқуқ нормаси ўзини хатти –ҳаракат ўлчови , хатти-ҳаракат доираси ва чегараси сифатида намоён этса , унда белгиланган қоида бузилганда эса , у ҳуқуқ субъектининг ҳаракатига баҳо бериш воситаси сифатида ўзини кўрсатади .

Ҳар бир ҳуқуқ нормаси :

Биринчидан, ҳуқуқ тизимида тутган ўрнини аниқлашга ;

Иккинчидан, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқ нормаларининг вазифалари ва ролини янада аниқлаштиришга ;

⁹ Исломов .З .М . Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари : ҳуқуқни тушуниш , ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги .-Т.:ТДҶОИ . -2005. 187 б.

Учинчидан , ижтимоӣ муносабатларга ҳуқуқӣ таъсир этишнинг чегара ва имконларини аниқроқ белгилашга ;

Тўртинчидан , ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштиришга имкон беради .¹⁰

Маълумки ҳуқуқнинг тартибга солувчилик роли катта тарбиявий аҳамиятга эга , шу боис ҳуқуқ нормаси ҳам бўлиши мумкин булган ҳуқуқ бузилиши ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади , чунки ҳуқуқ субъекти томонидан белгиланган хатти –ҳаракат қондасини бузиш, муқаррар равишда унга нисбатан таъсир чораларининг қулланишига олиб келади .

Шундай экан,ҳуқуқ нормаси хусусиятларининг давлат амр ифодаси сифатида,фуқороларнинг манфаъатларини ўзида мужассам этган ҳолда,давлат ва жамиятнинг ижтимоӣ иқтисодий,маданий ҳаётини тартибга солувчи рычаг сифатида ўзини намоён этишида кўринади.

¹⁰ Саидов.А, Таджихонов .У., Одилқориев . Давлат ва ҳуқуқ асослари : Дарслик . Т.: Шарқ , 2002, 720-бет .

2. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА БЕЛГИЛАРИ.

Ҳуқуқ нормасининг мазмуни уни ташкил қилувчи барча усуллари хусусиятларнинг бирлиги, уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиши. Норманинг мазмуни кўп жиҳатларга эга бўлиб, булар: Норманинг мантикий мазмуни яъни объектив воқелик предметлари ёки ҳолатлари ҳақида нимадир тасдиқлайдиган фикрдан келиб чиқади;

Объектив ва субъект бирлигида норма билан тартибга солинадиган у ёки бу ижтимоий муносабат сифатида тушуниладиган - ҳуқуқий норма мазмунидир;

Давлат ижтимоий муносабатларни маълум бир тарзда тартибга солишга интилишида акс этадиган ҳуқуқий нормаларнинг мажбурий мазмин касб этиши, бунда давлат ихтиёридаги имкониятлардан фойдаланилади.¹¹

Ҳуқуқий норманинг мавжудлигини зарурат нуктаи назатидан кўриб чиқадиган бўлсак, унда мажбурлаш заруриятга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади. У мажбурийлик субъектларининг ҳуқ-атворида давлат таъсирини ўтказиш имкониятининг тимсоли бўлиб чиқади.

Ҳуқуқий норма ва унинг мазмунига хос асосий белгиларни аниқлар эканмиз, ҳуқуқнинг барча қоидалари ҳам норма ҳисобланадими ёки уларда фақат ҳуқ-атвор қоидаларидан иборат бўладими деган савол тўғилади. ҳар қандай ҳуқуқ тизими қоидалари шунчалик бой бўлиб, уларнинг ҳаммасини ҳуқ-атвор қоидалари, яъни кишилар ўз фаолиятлари давомида риоя қилиши керак бўлган эталон деб бўлмайди. Уларга маълум бир юридик тушунчаларни, ҳуқуқ пиринсиплари, ҳуқуқни тартибга солишнинг вазифа ва мақсадлари, ҳамда юридик техника қоидалари киради. Шу сабабли, қонунчиликнинг янада ривожланиб бориши манбаи характерида ега бўлган қоидаларнинг сони ошишига сабаб бўлади. Улар ҳуқуқ тизимининг

¹¹ Саидов .А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси . 2-жилд . Ҳуқуқ назарияси . –Т.:Адолат , 2001.-560-бет.

ривожланиш даражасини кўрсатиб, унга мантиқий изчиллик бағишлайди ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бир хиликни таъминлайди .

Ҳуқуқ нормаларининг яна муҳим бир жиҳати унинг давлат эрки – иродасини, амрини ифода этишда кўринади . Шу сабабли, ҳуқуқ нормаси – муайян мунасабатлар ифодаси ёки муайян ҳаракатни содир этишни маслаҳат берувчи тавсиянома тарзидаги қоида бўлиб қолмасдан , шу нормада кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгиловчи ҳокимона амр-буйруқдир.¹²

Ҳар қандай ҳуқуқ нормаси ваколатли давлат органи томонидан ўрнатилади ёки санксияланган бўлади , шу боис давлат амр –иродасини ифодалайди , умуммажбурий қоида тариқасида амал қилади .

Ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ тизимининг енг кичик таркибий унсури бўлишига қарамай , яхлит ҳуқуққа хос хусусиятлар ҳам унга хос бўлиб , шунга кўра ҳуқуқ нормасининг мазмуни анча кенг .

Ҳуқуқ нормасининг мазмуни бу уни ташкил этувчи барча унсурлар , аломатлар бирлиги , улар ўртасидаги ва тартибга солинадиган муносабатлар билан бўладиган ўзаро алоқадорликдир . Ҳуқуқ нормасининг мазмуни кўп жиҳатли, уларнинг ҳар бирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Булардан биринчиси. Ҳуқуқ нормаларнинг тафаккурий – иродавий мазмуни бўлиб, уларда қандайдир тафаккурий ҳамда иродавий ҳолатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ҳуқуқ нормаларнинг юридик мазмуни эса ҳар икки ҳолатни ҳам расмийлаштиради, уларга юридик ўзига хослик тақдим этади. Ҳуқуқ нормаларнинг юридик мазмуни уларнинг ўзида ифодаланган хулқ – атвор қоидаси сифатида тушунилиши мумкин, уни аниқлаш учун қонунчилик матнини ўқиш кифоя бўлади. Ҳуқуқ нормаларнинг информатцион мазмуни уларда айнан қандай хулқ-атвор модели акс этганлигини билдиради. Унда ҳуқуқ нормаларнинг мазмунини билиш

¹²Давлат ва ҳуқуқ назарияси . Дарслик /Масъул муҳаррирлар Бобоев. Ҳ.Б, Одиқориев .Ҳ.Т.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси , 2000.-528- бет . 283-бет.

назарияси нуқтаи назаридан тадқиқ қилинмоқда. Ҳуқуқ нормаларнинг мазмунига нисбатан бундай ёдошув уларнинг билиш функцияси ҳам маждулигидан далолат беради.¹³

Ҳуқ-атвор қоидалари бўлмаган қонунчилик нормалари турличадир. Улар ҳақиқатдан ҳам субъектларга ҳуқ –атворнинг у ёки бу вариантини тавсия этавермайди, юридик иш ечими асосига ҳар ким ва ҳар вақтда ҳам қўйилавермайди. Аммо унинг ҳаммаси норматив бўлиб, ҳукм этиш хусусиятига эга. Битим, мажбурият жиноятига доир актларни кучга критиш тартиби, белгиланган мулкчилик шакллари ва ҳоказо тушунчалар ҳам том маънодаги ҳуқуқий нормалардир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун уларни юқорида кўрсатилган юридик нормаларнинг белгилари билан таққослаш кифоя қилади. Шундай қилиб, ҳуқуқ нормалари, фақат ҳуқ-атвор қоидалари билангина чекланиб қолмасдан юридик нормаларнинг фақат кенг тарқалишини такрорлаб ўтиш лозим.

Юридик адабиётларда ҳуқуқ нормаларининг ўзига хос хусусиятлари санаб утилади :

Ҳуқуқ нормаси бу ижтимоий ҳуқуқдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқ-атвор, юриш туриш қоидасидир; ҳуқуқ нормасининг формал белгиланганлиги, унинг расмийлашган хусусият касб этиши. Яъни ҳуқ атвор қоидалари муайян манбада мустаҳкамланган норма кўринишида бўлади . Ҳуқуқ нормасининг мазмуни фақатгина мустаҳкамланган кўринишда талқин этилади ва мавжуд бўлади . Ҳуқуқ нормаларида ҳуқ атвор қоидаларининг энг муҳим чизгилари ифодаланади.

Улар аниқ, равон, тушунарли тарзда акс этади. Буерда ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ифодаланади . Ҳуқуқ нормаларининг умуммажбурийлигида- улар муайян турдаги муносабат иштирокчиларининг барчаси учун таълуқли бўлиб, давлат мажбурлови билан таъминланишга таянади.

¹³ Саидов А., Тожиhoнов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси . 2- жилд . Ҳуқуқ назарияси . –Т .:Адолат ,2001-560 б .

Ҳуқуқ нормаси умумий ҳуққ атвор қондаси сифатида :

Биринчидан, ҳаётий муносабатлардаги типик такрорланиб турадиган нарсаларни умумлаштириш зарурати натижасида шаклланади;

Иккинчидан, кўп марта қўллашга мулжалланган бўлади;

Учинчидан, ҳамиша қандайдир умумий белгиларга ега бўлган шахсларга қаратилган бўлади. Ҳуқуқ нормаси давлат билан узвий алоқадордир .¹⁴
Бунинг бир қатор белгилари ҳам мавжуд. Булар:

Биринчидан. Ҳуқуқ нормалари жамият, шахс ёки ижтимоий гуруҳ учун кадр-қимматли бўлган энг муҳим ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттиради. Бунда адолат ва эркинлик ғоялари билан белгиланадиган нормадаги ижтимоий муносабатлар ва қонуний мустаҳкамлаш предмети бўлади.

Зарарли ва нохуш ижтимоий ҳуққ-атвор ҳам нормаларда акс этади, лекин ўз-ўзидан эмас, балки низоли вазиятларни тартибга солиш воситси билан акс этади. Юридик нормаларда ижтимоий воқеълик, унинг йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини акс эттиришнинг мураккаблиги , ҳатто нобоп нормалар қабул қилишга олиб келиши мумкин.¹⁵

Ҳуқуқ нормаларда акс эттириладиган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлик даражаси норманинг қонунчилик иерархик поғонасида эгаллаган ўрнини белгилайди. Энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар юридик жихатдан катта аҳамиятга эга бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар бўлган конституцияда, конституциявий қонунларда, кодексларда ифодаланади.

Иккинчидан. Ҳуқуқ нормаси тартибга солувчи ижтимоий муносабатларнинг модели сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқ нормаси – ўзи тартибга соладиган муносабатларнинг модели, намунаси сифатида Моделлаштириш бу онг ижтимоий борлиқнинг ўз ифодасини тиклаш йўли билан табиий ва ижтимоий ҳодисаларни идрок этиш

¹⁴ Саидов.А.,Тожионов .У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси : 2-жилд . Ҳуқуқ назарияси -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ академияси . 2001.560 бет.

¹⁵ Исломов З. М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти ижтимоий вазифаси . Ўқув қулланма. –Т.:ТДЮИ,2004.

жараёнидир. Шунга кўра қонун чиқарувчи онгида идрок этилган ҳатти-ҳаракат, юриш туришнинг намунавий вариантлари ҳақидаги тасавурлар модел шаклида ифодаланилади. Ўзида муайян маълумотларни ва ижтимоий муносабатлар моделини ифодалаган ҳуқуқ нормаси ижтимоий муносабатларни хоссасига эгадир. Ҳуқуқ нормаси нафақат ҳуқ-атвор, юриш туришни моделлаштиради, балки у ижтимоий муносабатларнинг ҳолати, уларнинг хусусиятлари, объектив ва субъектив жиҳатларни ҳам моделлаштиради.¹⁶

Моделлаштириш- бу онгда ижтимоий реалликнинг аналогини тиклаш йўли билан табиий ва ижтимоий ҳодисаларни идрок этиш жараёнидир. Моделни ифодалаш воситалари турли –тумандир.

Ҳуқуқий норма фақат ҳуқ –атвор емас, балки ижтимоий муносабатларнинг ҳолати, уларнинг хусусиятлари, объекти ва субъекти таркибларини ҳам тартибга солади. Бу ҳолда уҳуқуқий ҳолат ва тушунчалар, ҳуқуқий тартибга солиш чегаралари, методлари, пиринсиплари ҳақида, ҳуқуқий мувофиқлаш ва ҳуқуқий зидлик ва ҳуқуқийлик ҳақида маълумот беради. Ижтимоий муносабатлар сифатида норматив –ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамланган юридик нормалар ижтимоий воқеиликнинг ҳуқуқий воситачиликдаги тўлароқ ифодасини акс еттиради. Айнан шунинг учун ҳам ҳар қандай давлат ва даврнинг қонунчилик ёдгорликларини ўрганиш- давлат, жамият ва давр ҳаёти, турмуши ва ҳуқуқи ҳақида кўпгина ишончли маълумотлар беради. Ўзидаги мавжуд ахборот ва ижтимоий муносабатларни моделлаштиришда алоҳида ҳарактер касб этиши туфайли ҳуқуқ нормаси ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятига эгадир. Ижтимоий муносабатларни акс эттирадиган ҳуқуқ нормаси шу сабабли мазмунга эга бўлади ва унинг ифодаланиши ўзига хос шаклга эгадир.¹⁷

¹⁶ Исломов.З.М .Общество . Государство. Право . –Т.:Адолат ,2001. -696с.

¹⁷ Давлат ва ҳуқуқ назарияси . Дарслик /Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б .Бобоев , Ҳ.Т .Одилқориев .-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси , 2000. -528 б.

Учинчидан ҳуқуқ нормаси ижтимоий жараёнлар, ҳолатлар ва алоқаларнинг такрорланиш оқибатида одатийлигини акс эттиради ва мустаҳкамлайди .

Қоида тариқасида одатийлик мавжуд муносабатларга тааллуқлидир, лекин у келажакда такрорланиб туриши эҳтимол тутилган янги ижтимоий алоқаларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин .

Типиклаштириш- муаркаб фикрий жараён бўлиб, умумлаштириш ҳолатларининг муҳим белгиларини еътиборга олиб , аҳамиятсиз белгиларни бўрттирмасликни назарда тутди. Ҳуқуқий нормага нисбатан олсак, типиклаштириш маълум шароитдаги нуқуқий ҳолат ёки инсон хатти ҳаракатидаги характерлироқ нарсаларни ажратиб кўрсатишда ифодаланади . Бу каби ҳуқуқий ҳолатларда муайянликдан абстракцияланишга ўтиш жараёнидир . Шу туфайли аниқ ва умумий нормалар сифатида қонунларда эркинлик алоҳида шахс ўзбошимчалигига боғлиқ бўлмаган, номуайян , назарий мавжудлик касб этади.

Типиклаштириш туфайли ҳуқуқий тушунча ўзига хос маълум белгиларига эга булади , ҳуқ – атвор ҳуқуқи еса ижтимоий муносабатлар билан алоқани узган ҳолда ўзлигини тартибга солиш таъсири билан номуайян миқдордаги шахсларни қамраб олиш хусусиятига эга . Шу маънода юридик норма учун мазмунининг аниқлиги ва адресатсия мавжудлиги мавҳумлигини типиклаштириш шунга олиб келадики , бунда улар турли шахслар учун бир хил миқёс касб этади . Бу ҳуқуқнинг барқарорлик хусусиятини ҳам белгилаб беради. Ижтимоий муносабатлар анча вақт ўтгандан кейингина , уларга хос бўлган умумий ва барқарор белгилар шаклланиб булгандагина типиклашади. Бу барқарорлик ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланиб , уларга барқарорлик хусусиятини беради . Ҳуқуқий норма фақат шундай ҳоллардагина ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин .¹⁸

¹⁸ Саидов А., Тожиҳонов У . Давлат ва ҳуқуқ назатияси . 2-жилд . Ҳуқуқ назарияси .-Т.:Адолат ,2001.-560 б.

Тоъртинчидан, ҳуқуқ нормалари умуммажбурий хусусиятга эга . Ҳуқуқ нормасининг бу хусусияти унга оғишмай риоя қилиш ва ижро этиш ҳамда инсон ҳуққ атворида давлат, жамият акс таъсирини беришини назарда тутади . Агар ҳуққ-атвор юридик норма талабларига мувофиқ келса акс таъсири ижобий бўлиши мумкин ёки норма талаблари бўзиладиган бўлса , салбий акс таъсир юз бериши мумкин . Ҳуқуқий нормага риоя қилиш ва уни ижро этиш ички ва ташқи тартиб омиллари билан таъминланади.

Ҳуқуқ нормасининг мажбурийлиги ташқи табиати инсон руҳиятига ташқи таъсирлар - ишонтириш ва мажбурлов кабилар билан белгиланади . Бу ҳолда талабларнинг мажбурийлигини таъминлайдиган воситалар ўзга шахс, ижтимоий гуруҳ ва ташкилотдан чиқади . Бошқа сосиал нормалардан фарқли равишда ҳуқуқий нормаларда моделлаштириладиган ижтимоий муносабатларнинг мажбурийлиги давлатнинг таъсир кучи билан, шу жумладан, давлат мажбурлови билан таъминланади .

Ҳуқуқ нормасининг асосий вазифаси — ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва унинг умуммажбурий хусусиятга эга эканлиги ҳамда ҳуқуқ тизимидаги бирламчи хужайраси эканлигини таъкидлаб ўтади.¹⁹

¹⁹ Саидов А., Таджихонов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. —Т .:Шарқ, 2002 . -720 б.

3. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ.

Ҳуқуқ нормалари назарияси ва амалиётида уларни таснифлаш муҳим ўрин эгаллайди.

Таснифлаш деганда ўрнатилаётган объектларнинг турлари бўйича мантиқан маълум бир умумий белгилар асосида туркумлаш тушунилади.²⁰ Юридик нормаларни илмий асосда таснифлаш қуйидаги имкониятларни беради:

Биринчидан , ҳуқуқ тизимида юридик нормалардан ҳар бирининг ўрнини белгилаш ;

Иккинчидан, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий норманинг функциялари ва ролини яхшироқ аниқлаш ;

Учинчидан , ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш таъсири имкониятлари чегарасини аниқроқ белгилаш ;

Тўртинчидан, ҳуқуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини янада такомиллаштириш .

Таснифлашнинг тулароқ бўлиши, унга асос қилиб олинган тасниф ҳолатининг бошқа барча белгиларини белгиловчи унинг енг аҳамиятли жиҳатига боғлиқдир . Юридик нормаларни таснифлашни тўрт асос бўйича амалга оширамиз . Бу асослар ; ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш функцияларига кўра , ҳуқуқий тартибга солиш функцияларига кўра , ҳуқуқий тартибга солиш методига кўра , норматив ифодалаш шаклига кўра.

Вазифалари бўйича ҳуқуқий тартибга солиш механизмида , бирламчи ҳуқуқий нормалар , ҳуқ-атвор нормалари қоидалари , умумий ва махсус нормалар ажралиб тўради .

Бирламчи ҳуқуқий нормалар қонунчиликда юқори поғонани эгаллаб кўпроқ умумий хусусиятга эга ва ижтимоий муносабатларни

Таджихонов .У., Одилқориев Ҳ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси таъриф ва чизмаларда : Ўқув қўлланма – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси , 2002 . –86 бет

ҳуқуқий тартибга солиш механизмида алоҳида рол ўйнайди. Бу нормалар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг бош ёъналишини белгилаб беради . Бирламчи ҳуқуқий нормалар

ўз табиати ва мазмунига кўра турлича бўлиши мумкин . Уларнинг таркибига қуйидагилар киради : бошланғич нормалар, норма принциплар , мақсад нормалар.²¹ Бошланғич нормалар – мавжуд тузум асосларини , ижтимоий -иқтисодий , сиясий ва давлат ҳаёти асосларини , мулк шаклларини ва шу кабиларни мустаҳкамловчи қоидалардир.

Норма принциплар ҳуқуқий принципларни ифодаловчи ва мустаҳкамловчи қонунчилик қоидалари . Ҳуқуқий принципларни тартибга солиш ёъли уларнинг қонун ёъли билан мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғлиқдир . Ҳуқуқ принциплари қонунчиликда қанчалик тулароқ ифодаланса улар шунчалик аҳамиятлироқ бўлади . Қонунчиликда қоидалар мустаҳкамланган ҳуқуқ принциплари норма-принциплар бўлади .

Мақсад –нормалар -айрим ҳуқуқ соҳаларининг мақсад ва вазифаларини белгиловчи ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг предмет шакли ва ҳуқуқий институтларини аниқлайди . Бундай нормаларга мисол қилиб Конституциявий суднинг мақсад ва вазифаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги қонуни.²²

Ҳуқуқ нормаларини ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўйича: конституциявий маъмурий , молиявий, ер, фуқаролик, меҳнат, жиноят ҳуқуқи ва бошқа соҳалар бўйича нормаларга бўлиниши мумкин²³.

²¹ Исломов . З.М Общество . Государства . Прова . –Т.: Адолат , 2001. –696с.

²² Ўзбекистон Рес. “Конституциявий суди “ тўғрисидаги қонуни 1995 йил 30-августда қабул қилинган .

²³ Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси . 2-жилд Ҳуқуқ назарияси . –Т.:Адолат,2001. –560 бет.

Юридик таснифларнинг тўғри ва тўлиқлиги тегишли белги ва мезонларга боғлиқ . Ҳуқуқ нормалари турли мезонлар асосида таснифланади ва айрим жиҳатлари ҳал қилувчи аҳамиятга ега бўлади . Бу ҳуқуқ функциялари ва ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тартибга солинишидир . **Бунда ҳуқуқ нормалари мазмуни бўйича тартибга солувчи , қўриқловчи ва ихтисослашган нормаларга бўлинади .**

Тартибга солувчи (регулятив) нормалар ижтимоий муносабатларни улар иштирокчиларига ҳуқуқлар бериш ва мажбуриятлар юклаш ёъли билан тартибга солишга ёъналтирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Судлар тўғрисидаги қонуннинг 65-66- моддаларида судьяларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Судьяларга муайян ҳуқуқларни бераётганлиги ва ўз ўрнида тегишли мажбуриятлар юклаётганлиги боис улар тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.²⁴

Қўриқловчи нормалар юридик жавобгарлик чоралари. шунингдек, махсус давлат мажбурлов чораларини тартибга солишга йўналтирилган. Маъмурий ҳуқуқ. жиноят ҳуқуқи нормалари шулар жумласидандир. Масалан, Жиноят кодексининг 97-103-моддаларида ифодаланган ҳуқуқ нормалари инсонларнинг ҳаётидан маҳрум этишга йўналтирилган ижтимоий хавфли қилмишларни жазо қўллаш таҳдиди остида жиноят деб топади, таъқиқлайди ва тегишли жавобгарлик чораларини кўзда тутди. Шу асосда эса Конституциямизнинг 13-моддасида олий қадрият сифатида тан олинган инсон ҳаёти ва соғлиғини қўриқлайди, муҳофаза этади.

Регулятив нормалар ўз функцияларига кўра ваколат берувчи, ман этувчи ва мажбурият юкловчи нормаларга бўлинади.

Ваколат берувчи нормалар - яъни ҳуқуқ субъектига қандай ҳаракатлар содир этиш мумкинлигини кўрсатувчи нормалар.²⁵ Бу норма

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Судлар тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири) 2000 йил 14 –декабр .

²⁵ Саидов А., Тожихонов У ., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик .-Т.: Сҳарқ 2002.-720 б.

субъектларга ўзларида кўзда тутилга ижобий ҳаракатлар қилиш ҳуқуқини беради. Конституциянинг 25-моддасига кўра ҳар бир шахс еркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига ега . Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 36-моддасига кўра, терговчи жиноят ишини кўзгагиш ва тугатишга, ишми кўзгатишни рад этишга, гумондор шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга, Жиноят процесуал кодексида назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор чиқариш ва қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Мажбурият юқловчи ҳуқуқ нормалари –Маълум бир ижобий ҳаракатларни бажариш мажбуриятини белгилайди . Бундай норма учун “мажбур”, “шарт” деган сўзларнинг бўлиши хос ҳисобланади. қандай ҳаракатларни содир этиш лозимлигини кўрсатувчи нормалар.²⁶ Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисидаги» ги қонуннинг 28-моддасида акс этган ҳуқуқ нормалари мазмунига кўра, Президент имзолашни рад этиб, қайта кўриб чиқиш учун юборган қонун Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, уни Президент 14 кун ичида имзолашга ва эълон қилишга мажбур.

Ман қилувчи нормалар - ҳуқуқ субъектига муайян ҳатти-ҳаракатларни содир этишни мам қилиб қўювчи нормалар. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасида ифодаланган ҳуқуқ нормалари Президентга палатани тарқатиб юбориш ваколатини тақдим этмоқда. Бирок ушбу ҳуқуқ нормаларига кўра, палатани фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юбориш мумкин эмас.

²⁶ Давлат ва ҳуқуқ назарияси . Дарслик . Масъул муҳаррирлар/ Бобоев Ҳ., Одилқориев Ҳ .-Т.: ТДҲУИ .2000 528 б.

Ман қилувчи нормалар қонун ёъли билан ҳуқуқбузарлик деб топилган , ҳуқуқ –атвори таъқиқлайди. Тақиқлар – давлат ҳокимиятининг амри бўлиб , шахс ва жамият учун номақбул хатти –ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган. Ман қилувчи нормалар “тақиқланади”, “ҳақли эмас”, “мумкин эмас” ,“йўл қўйилмайди” сўзлари билан ифодалади.²⁷

Ҳатто баъзи бир ҳуқуқ нормалари ҳам ваколат берувчи, ҳам мажбурият юқловчи ёки ман этувчи характерга эга бўлиши мумкин. Масалан, Жиноят процессуал кодексининг 15-моддаси мазмунига мувофиқ, суд, прокуратура, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари ҳамда асослари мавжуд бўлган тақдирда ўз ваколат(жиноят ишини қўзғатишга бўлган ҳуқуқ)лари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари шарт. Ушбу ҳуқуқ норма.си бир томондан санаб ўтилган субъектларга жиноят ишини қўзғатишга ваколат бермоқда ва айна пайтда жиноят ишини қўзғатишни уларга муқаррар тарзда мажбурият шаклида юкламоқда.

Ихтисослашган нормалар эса тартибга солувчи ва қўриқловчи нормалардан фаркли ўлароқ муайян муносабатларнинг вужудга келиши учун асос бўлолмайди. Яъни улар қўшимча хусусиятга эга. Ихтисослашган нормаларнинг қуйидаги асосий қўринишларини келтириб ўтиш мумкин:

Дефинитив нормалар - муайян ҳуқуқий категорияларнинг белгиларини умумлаштирилган ҳолда мустаҳкамлашга йўналтирилган нормалар. Улар асосан ҳуқуқий таъриф ва тушунчалардан иборат бўлади. Масалан, жиноят кодексининг 14-моддасида жиноят тушунчасига таъриф берилган. Бу нормаларга яна бир мисол Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасида фуқаролиги ёъқ шахслар тушунчасига таъриф бериб ўтилган .Бунга ўхшаш нормаларнинг қулланиб ўтилиши ҳам дефинитив нормаларнинг қўлланилишига мисол бўла олади. Проф. З.М.Исломов бундай нормаларни норма-таъриф дея тавсифлаб ўтади.²⁸

²⁷ Саидов А., Тожиҳонов У . Давлат ва ҳуқуқ назарияси . 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси . –Т.: Адолат , 2001.-560 б.

1 Исломов .З. М . Ҳуқуқ нормаларининг моҳияти мазмуни ва белгилари . Т.: “Адолат” 2005 йил.

Декларатив нормалар. Бу нормаларда ҳуқуқий тамойиллар, вазифа ва мақсадлар белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига биноан, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Республикамизда қабул қилинаётган қонунларда қонуннинг мақсад вазифалари белгилаб берилган. “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикасидаги прокуратура органларининг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Тезкор (оператив) нормалар. Улар ёрдамида ҳуқуқ тизимининг эскирган, мавжуд ижтимоий ҳаёт талабларига жавоб бермай қолган нормалари чиқариб ташланиб, янгилари жорий қилинади ёки тегишли қўшимчалар билан тўлдирилади. “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга қўра қонунни қўллаш жараёнида олдинги қабул қилинган қонун кейингисига қўра ўз қўчини ёқотади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўшимча ва ўзгартиришлар тўғрисида»ги Қонун нормалари шулар жумласидандир.

Коллизион нормалар. Уларда бирон-бир ҳолат бир эмас, бир неча ҳуқуқий нормалар таъсирига тушиб қолиши мумкин ва бу ҳолда-ўша нормалар ўртасидаги низо-тўқнашув содир бўлади, бу ҳолатни ҳал этиш учун коллизион нормалар қабул қилинади. Моҳиятан олганда коллизион норма чет эл ҳуқуқини муайян миллий юрисдикция доирасида қўлланишига рухсат беради. Шунга қўра, коллизион нормалар «бир тарафдан давлатларнинг ҳуқуқ-тартиботидаги мавжуд тафовутлар ва хилма-хилликни, иккинчи тарафдан эса давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизимлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни акс эттиради»²⁹. Масалан, Фуқароликкодексининг 71-бобидаги кўпчилик ҳуқуқ нормалари коллизион характерга эга.

Ҳуқуқий тартибга солиш методи бўйича ҳуқуқ нормалари қуйидаги турларга бўлинади: императив нормалар; диспозитив нормалар; рағбатлантирувчи нормалар; тавсия этувчи нормалар.

²⁹ Расҳидов .К . Коллизион нормаларнинг моҳияти . Давлат ва ҳуқуқ ,2004.

Императив нормалар қатъий мажбурий қоидалардир . Буйруқ берувчи қоида қатъий талаб шаклида акс еттирилиб , ундан бирон бир тарзда четга чиқиш мумкин эмас.³⁰ Ҳуқуқнинг турли соҳаларига қарашли кўпчилик нормалар императив ҳисобланади. Қатъий амр характериға эга бўлиб, ҳатти-ҳаракат субъектиға белгиланган ҳаракат моделидан четга чиқишни ман этади. Масалан, Жиноят кодексининг 44-моддасида мустаҳкамланган ҳуқуқ

нормаси мазмуниға мувофиқ, жиноий жариманинг энг минимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараварини, максимал миқдори эса 600 бараварини ташкил этади. Судья жарима жазосини тайинлашда ушбу императив норма асосида белгиланган миқдорлар доирасидан четга чиқолмайди.

Диспозитив нормалар. Ҳуқ –атвор варианты ҳақидаги кўрсатма булиб, субъектларға қонуний воситалар доирасидаги муносабатларни ўз ҳоҳишича тартибға солиш имконини беради. Диспозитив нормалар ҳуқуқнинг кўп соҳаларида мавжуд .³¹ Масалан ,меҳнат ҳуқуқида ўрнатилган нормаға кўра: агар меҳнат шартномаси тугагандан кейин ҳам меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса ва томонлардан бирортаси уни тухтатишни талаб қилмаса, бу ҳолда шартноманинг амал қилиниши номаълум муддатға узайтирилган ҳисобланади. императив нормалардан фарқли ўлароқ, муносабат қатнашчиларига ўз ҳатти-ҳаракатлари вариантларини, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳажми тўғрисида келишиб олиш имконини беради.

Диспозитив нормалар кўпроқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда учрайди. Масалан, Оила кодексининг 73- моддасида ифодаланган ҳуқуқнормаси мазмуниға эътибор берсак, у ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбияси, камолоти ҳақида қайғуриши зарурлигини белгилайди, яъни ота-оналар фарзанд вояға етгунга қадар улар ҳақда ғамхўрлик қилишлари, улрағатаълим-тарбия беришлари шарт. Бирок ушбу ҳуқуқ нормаси таълим тарбиянинг қандайдир усулларида фойдаланишликни ота-оналар

³⁰ Давлат ва ҳуқуқ асослари . Саидов А., Тожионов У –Т.:Сҳарқ 2002. 720 бет.

³¹ Исломов З.М Общество. Государство. Право . –Т .: Адолат . 2004

ихтиёрига топширмакда. Бунда ота-оналар ўз фарзандлари учун маъкул топган таълим-тарбиянинг муайян усулларида фойдаланишлари мумкин.

Рағбатлантирувчи нормалар ижобий ҳуқ-атвор субъектларининг жамият ва давлат олдигаги ўз ижтимоий ва юридик мажбуриятларини виждонан бажаришга муваффақ бўлишлари ҳамда меҳнат ва жанговор хизматлари, самарали, давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун уларни тақдирлаш билан боғлиқ тегишли ҳуқуқий қоидалардир. Масалан, 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуннинг аксарият моддалари рағбатлантирувчи ҳуқуқ нормаларини ўзида акс эттирган.

Тавсия этувчи нормалар. Давлат нуқтаи назаридан мақбулроқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш вариантини ўрнатади. Тавсия нормалари асосан давлат корхоналари, ишлаб чиқариш бирлашмалари учун чиқарилади. Бозор муносабатлари ривожланиши билан тавсия нормаларни шундай тақдир кўтмоқда. Ҳозирги пайтда императив нормалар ўрнига келаётган тавсия берувчи нормалар янада ривожланади.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг давлат нуқтаи назаридан энг мақбул бўлган вариантларини ўзида ифода этади. Мисол тариқасида айрим қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари нормаларини келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 5 ноябрдаги қарори. Унда ҳукумат шу соҳадаги муносабатларнинг давлат нуқтаи назаридан мақбул вариантларда ташкили этилишидан манфаатдор субъект сифатида ширкат хўжалигининг намунавий устави, ширкат хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олишнинг намунавий шартномаси кабиларни тегишли шахслар учун тавсия сифатида илова қилиб ўтган.

Булардан ташқари ҳуқуқ нормалари бошқа қатор мезонлар асосида ҳам таснифланади. Бунди эпг аввало, ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ соҳалари бўйича бўлинади ва бундай тасниф ҳуқуқ нормаларини бир

тизимга келтириш, зарур ҳолларда кодификация қилиш учун зарур. Ҳуқуқ нормаларини моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига бўлиш кенг тарқалган бўлиб, бунда ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини аниқлаб берувчи нормалар моддий ҳуқуқ нормалари гуруҳига мансуб бўлади, ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш ижро этишнинг тартибини белгиловчи нормаларни эса процессуал нормалар деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Моддий ҳуқуқий нормалар – ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва бурчларини ўз уларнинг ҳуқуқий ҳолатини, ҳуқуқий тартибга солиш доирасини мустаҳкамлайди. Оддийроқ қилиб айтганда, улар ҳуқуқ субъектига унга нимаҳуқуқ беришини ва ундан нима талаб қилишини кўрсатиб беради.

Процессуал ҳуқуқий нормалар - ташкилий муносабатларини тартибга солиш ҳамда соф ташкилий, расмий бошқарув ҳарактерига эга. Улар доимо моддий ҳуқуқ нормаларининг, шакллари ва тадбиқ қилиш усулларини тартибга келтиради. Процессуал нормалар иккиламчи хусусият касб этади. Процессуал нормалар ўзига хос ҳуқуқий комплексни ҳосил қилиб, ҳуқуқ соҳасининг маълум бир бўлиниши ташкил этилишидан вужудга келади.³²

Ҳуқуқ нормаларида ҳатти-ҳаракат шакллантирилиши мавҳумлигига қараб, улар абстракт (мавҳум) ва казуистик нормаларга ажратилади. Конкрет бир муносабат турини яхлит ҳолда тартибга соладиган нормаларни абстракт нормалар деймиз. Бир муносабат турининг конкрет бир қисмини тартибга соладиган нормалар эса казуистик нормалар ҳисобланади.

Ҳуқуқ нормаларини яна асосий ва ҳосила нормаларга бўлиш кенг тарқалган, биринчисидан умумий характерга эга бўлган қоидалар мустаҳкамланса, иккинчисидан эса умумий қоидаларни ривожлантирувчи, аниқлаштирувчи нормалар мустаҳкамланади. Масалан, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида таълим соҳасидаги махсус давлат

³² Давлат ва ҳуқуқ назарияси Бобоев Ҳ., Одиқориев Ҳ. –Т.: Иқтисодийот ва ҳуқуқ дунёси, 2000, 528 б.

органларининг умумий ваколатлари келтириб ўтилган бўлиб, ушбу ваколатлар доираси ва мазмуни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган таълим соҳасидаги махсус давлат бошқаруви органлари тўғрисидаги алоҳида Низомларда янада конкретлаштирилади ва ривожлантирилади.

Ҳуқуқ нормалари ҳаракатлаиши ҳудудига қараб, умумий ҳаракат қилувчи, маҳаллий миқёсда ҳаракит қилувчи нормаларга бўлишиди. Бунда умумдавлат нормалар бутун мамлакат ҳудудида амал қилади. Маҳаллий миқёсдаги нормалар маълум ҳудудларда амал қилиши мумкин, масалан, экологик инқироз юз берган ҳудудларда.

Ҳуқуқ нормалари субъектларга қараб, умумий ва махсус нормаларга бўлинади. Умумий нормалар барча ҳуқуқ субъектлари учун тааллуқли бўлса, махсус нормалар эса аҳолининг муайян гуруҳи учун ёки аниқ белгиланган доирадаги субъектларга тегишли бўлади. Умумий ва махсус ҳуқуқий нормалар бир биридан умумийлик даражаси ва ҳаракат доираси билан фарқ қилади. Умумий нормалар одатда у ёки бу ҳуқуқ соҳасининг барча ҳуқуқий институтларини қамраб олади. Махсус нормалар у ёки бу ҳуқуқ соҳасининг манбалари институтларига тегишли бўлган ижтимоий муносабатларнинг хухсусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг маълум бир турини тартибга солади. Махсус нормаларга қуйидагилар мисол бўлади: олди-сотди, ҳадя, пудрат, сапитал қурилиш, жиноят ҳуқуқида безорилик, босқинчилик, ўғрилиқ жинаяти таркиблари учун белгиланган жавобгарлик ҳақидаги нормалар. Масалан, меҳнат қонунчилигидаги имтиёзларни белгиловчи кўпчилик ҳуқуқ нормалари асосан вояга етмаганлар, аёллар ва ногиронларга талукли.

Ҳуқуқ нормаларида хатти — ҳаракатни шакиллантиришнинг мавҳумлигига қараб, ҳуқуқ нормалари абстракт казуистик нормаларга ажратилади.

Конкрет бир муносабат турини яхлит ҳолда тартибга соладиган нормаларни абстракт нормалар деймиз.

Бир муносабат турининг конкрет бир кисмини тартибга солодиган нормалар эса казуистик нормалар деб аталади. Масалан Конституциянинг “Асосий принциплар” деб номланган 1-бўлим нормалари абстракт, умумий табиатга эга бу бўлимда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсий тузумининг асослари умумий тарзда мустаҳкамланган. Кейинги бўлимларида эса асосий қоидалар янада аниқроқ ифодаланиб, уларга батафсил тўхталиб ўтилган: масалан, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари (2- бўлим) давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши (5-бўлим) ва ҳоказо.

СУБЪЕКТЛАРГА ҚЎРА ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ

Умумий нормалар

Махсус нормалар бўлинади.

Умумий нормалар ҳамма ҳуқуқ субъектлари учун таалукли бо`лади. Махсус нормалар аҳолининг муайян гуруҳи учун ёки аниқ белгиланган доирадаги субъектлар, жумладан пенсионерлар, ногиронлар, солиқ идораси ходимларига таалукли бўлади.

Тасир этиш миқёсига қўра ҳуқуқ нормалари

Умумий ҳаркатдаги

Маҳаллий миқёсидаги

Локал нормалар бўлинади. Бунда биринчиси бутун мамлакат ҳудудида амал қилса (масалан, Конституция нормалари) иккинчиси маълум ҳудудларда амал қилиши мумкин, масалан, экологик талофот ҳудудларда, баланд тоғли шароитда чўл зонасида , учинчиси, муайян соҳа вакилларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар (масалан, соғлиқни сақлаш, ички ишлар вазирлиги тизими билан боғлиқ) ва ҳоказо

4. ХУҚУҚ НОРМАСИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳуқуқ нормаларининг тузилиши ва унинг таркибий унсурлари ўртасидаги муносабат ҳуқуқ нормаси мазмунини ташкил этувчи жиҳатлардандир. Шунга кўра ҳуқуқ нормаси мазмунининг чуқур таҳлили унинг тузилишини канчалик даражада тадқиқ этилишига ҳам боғлиқ.

Ҳуқуқ нормасининг тузилиши - бу нормада ифодаланган ҳуқуқ-атворқоидасининг мазмунини ташкил этиш воситасидир. Бундай қоидаларни ҳуқуқнормасининг мазмунини кетма-кетликда очиб берувчи тузилмавий унсурлар кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Улар қуйидагилардир:

Гипотеза - ҳуқуқ нормасининг амал қилиш шарт-шароитлари, яъни муайян ҳолатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини кўрсатувчи унсур. Гипотеза ҳуқуқ нормаси тузилишининг муҳим унсури бўлиб, диспозиция мавжудлигининг асосий шартидир. Гипотезада бу ҳаракатни қайси шароитда амалга ошириш кераклиги кўрсатилади. Пенсия ҳақидаги қонунларга кўра, Ўзбекистон Республикасида умумий меҳнат стажи 25 йил бўлган еркакларга 60 ёшдан, аёлларга эса 20йиллик стаж билан 55 ёшдан бошлаб таъминот бўлимлари томонидан пенсия туланади.

Ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши боғлиқ бўлган битта шарт-шароит акс этган гипотеза **оддий гипотеза** ҳисобланади. Фуқаролик процессуал кодексининг 25-моддасида мустаҳкамланган ҳуқуқ нормаси мазмунига кўра, жавобгарнинг турар-жойи номаълум бўлган ҳолларда даъво аризаси даъвогар яшаб турган манзилдаги судга тақдим этилиши мумкин. Яъни даъвогар ўзи яшаб турган манзилдаги судга мурожаат қилиши учун жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлиши талаб этилади. “Фуқаролик тўғрисидаги “ қонунда баён этилганидек, бола агар унинг ота –онаси у туғилиши пайтида Ўзбекистон фуқаролари бўлсалар бола қерда туғилишидан қатъи назар Ўзбекистон фуқароси бўлади.

Мураккаб гипотезада эса ҳуқуқ нормасининг амал қилиши икки ёки ундан ортиқ ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ эканлиги кўрсатилади. Масалан жиноий жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш тўғрисидаги нормаларни қўллаш учун қуйидаги шарт-шароитлар талаб этилади: 1) жазони ўташ режими талабларини бажарганлик ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш; 2) жазонинг муайян миқдорларини ўтаб бўлганлик .

Альтернатив (муқобил) гипотеза эса ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши санаб ўтилган шарт-шароитлардан бирига боғлиқ эканлигини баён этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 322-моддасига жиноят ишини қўзғатиш асос ва сабаблари баён қилинган бўлиб, жиноят ишини қўзғатишининг муқаррарлиги тўғрисидаги мажбуриятни бажариш санаб ўтилган сабаб ва асослардан бирининг мавжудлиги билан амалга оширилиши мумкин.

Диспозиция - бу ҳуқуқий муносабат иштирокчилари роя этишлари зарур бўлган ҳуқ-атвор қондасини кўрсатувчи ҳуқуқ нормасининг унсуридир. Бу юридик норманинг стержени, унинг ўзаги, ҳуқуққа мувофиқ ҳуқ-атвор намунаси, моделидир. Бироқ диспозиция тартибга солиш хусусиятларини гипотеза ва санкция билан биргаликдагина намоён эта олади, ҳаракатда бўлади. Юриш-туриш қондасининг ифодаланишига қараб диспозициялар оддий, мураккаб ва муқобил ҳолатларда бўлиши мумкин. Диспозитсияда ким, нимани ва қачон қилиш кераклиги кўрсатилган бўлади .

Оддий диспозитсия -ҳуқ-атвор, юриш-туришнинг конкрет вариантини унинг мазмунини тўла очиб бермаган ҳолда кўрсатиб ўтади. Бунда қилмиш тавсифлаб берилмайди, асосан барчага маълум термин асосида таърифланади.Қастдан одам ўлдириш термини –Жиноят кодексининг 97-моддаси ёрдамида ифодаланган.³³ Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддаси мазмунига биноан, Ўзбекистон

³³ Давлат ва ҳуқуқ асослари . Саидов Тожиhoнов ., Одиқориев –Т.: Сҳарқ 2002. 720 б.

Республикаси халқи номидан фақат Олий Мажлис ва Президентгина иш олиб бориши мумкин.

Мураккаб диспозиция эса юриш-туришнинг барча асосий белгиларини кўрсатади ва санаб ўтади. Масалан, «Ижара тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида ифодаланган ҳуқуқ нормаси диспозицияси ижарага олинган мулкни яхшилаш юзасидан ижарачининг ушбу мол-мулк таркибига унинг қийматини оштирадиган ўзгартиришларни мустақил равишда киритиш, мол-мулкни тасарруф этиш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга ҳақли эканлигини кўрсатиб ўтади.

Муқобил диспозицияда ҳуқ-атвор, юриш-туришнинг бир нечта вариантлари кўрсатиб ўтилади ва муносабат иштирокчилари улардан бирига амал қилишлари мумкин ёки шарт. Масалан, Жиноят процессуал кодексининг 385-моддасига биноан, прокурор ёки унинг ўринбосари айблов ҳуқосаси билан келган жиноий ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини чиқариши мумкин: 1) айблов ҳуқосасини тасдиқлаш ва судга юбориш тўғрисида; 2) айблов ҳуқосасини жиддий бўлмаган ўзгартиришлар билан тўлдириб, тасдиқлаш ва судга юбориш тўғрисида; 3) қўшимча терговга қайтариш ҳақида; 4) иш юритишни тўхтатиш ҳақида; 5) ишни тугатиш ҳақида .

Санкция -ҳуқуқ нормаси тузилишининг мантикий хотимаси сифатида диспозиция бузилиши ҳолларида вужудга келадиган салбий оқибатларни ифодаловчи таркибий унсурдир. Санкция юридик норманинги мантикий яқунловчи таркибий қисмидир. Унда жамият, давлат, шахснинг ҳуқуқий нормани бузувчиларга нисбатан салбий муносабати ифодаланади. Ҳуқуқ нормаларига онгли равишда ихтиёрий риоя қилинмас экан, ҳуқуқбузарлик мавжуд экан санкция юридик нормаларга амал қилиш ва уни ижро этишни таъминловчи қонинийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашнинг муҳим зарурий воситасидир .

Санкцияларда ифодаланган салбий оқибатларнинг аниқлигига қараб, мутлақ аниқ, нисбатан аниқ ва кумулятив санкцияли нормалар ажратилади.

Мутлақ аниқ санкцияли ҳуқуқ нормаларида давлатнинг аниқ битта мажбурлов чораси кўрсатилади. Ҳуқуқбузарга нисбатан кулланиладиган жазонинг ҳажмини аниқ белгилайди. Масалан, Жиноят ҳуқуқи нормасининг транспорт воситаларини олиб кочиш тўғрисидаги таъқиқдан иборат диспозицияси бузилганда, 3 йилдан 5 йилга қадар озодликдан маҳрум этиш жазо чорасида ифодаланадиган мутлақ аниқ санкция қўлланилади.


Нисбатан аниқ санкцияли ҳуқуқ нормалари эса турли хил жазо турларидан бирини ёки ҳуқуқий таъсир чораларидан бирини қўллашни назарда тутлади. Бу муқобил санксия деб ҳам юритилади. Бундай санксияларда “ёки”, “ёхуд” бирлаштирувчи –айирувчи боғловчилари орқали бир неча ноҳуш оқибатлар кўрсатилиб санаб ўтилади ва ҳуқуқни қўлловчи улардан фақат биттасини- ҳал этилаётган ҳолат учун мақсадга мувофиқ бўлганини танлайди. Бундай санксия қуйидагича ифодаланиши мумкин: “қамоқ ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан ҳазоланади”. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасида ифодаланган ҳуқуқ нормасининг маъно ҳолатда автомобил воситасини бошқариш тўғрисидаги таъқиқдан иборат диспозицияси бузилганда маъмурий жарима ёки транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби жазоларнинг бирини қўллашни назарда тутувчи санкциясига мурожаат этилади.

Кумулятив санкцияли ҳуқуқ нормалари ўзида асосий жазодан ташқари қўшимча жазо берилишини ҳам назарда тутлади.³⁴ Масалан, муаян жиноятни содир этканлик учун озодликдан маҳрум қилиш каби асосий жазодан бошқа мол –мулкни мусодора қилишни ҳам ўзида мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқ нормаларининг гипотеза, диспозиция ва санкцияга бўлиниши мантикий норма деб таърифланади. Чунки мантикий норма унсурлари ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва норматив ҳужжатлар матнларида шартли схемада ифодаланади. Ҳуқуқ нормалари ички таркибий унсурлари

³⁴ Исломов .З .М Общество. Государство. Право –Т .: Адолат . 2004.

ўртасидаги узвий мантикий боғлиқликка эришиш ўз ўрнида ушбу ҳуқуқ нормаларининг ҳаётийлигини, барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.



ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда ҳуқуқ нормаларига берилган таърифлардан сўнг шундай тушунча пайдо бўладики ҳуқуқ нормалари ҳуқуқнинг ячейкаси экан. Ҳуқуқ нормасисиз ҳуқуқни тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, ҳуқуқ нормасисиз ҳуқуқ ҳуқуқсиз давлат бўлмайди деган хулоса келиб чиқади. Ҳуқуқ нормалари давлатимиз , жамиятимиз ривожига ўзининг ўз ўрнига эга.

Бизнинг мақсадимиз демократик адолатли, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш экан, бу бизнинг эзгу орзуимиз стратегиямиздир деган сўзларни ёдга олган ҳолда демократик ҳуқуқий жамиятда ҳуқуқ соҳасига алоҳида эътибор бермоқ лозимдир. Шундай экан ҳаётимизда ҳуқуқ нормаларининг ўрни бекиёсдир .

Ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ тизимида асосий поғона бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқ нормалари бор экан бугунги жамиятимиз ҳуқуқий адолатли жамиятимизда ҳуқуқ аналогоясининг ёки бўшлиқнинг бўлмаслиги учун ҳуқуқ нормаларига бўлган эътиборни кўчайтирмоғимиз даркордир. Ҳуқуқий муносабатларда умуман ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги воситадир. Ҳуқуқ нормаси жамиятимизнинг бирон бир соҳаси билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқ экан ҳуқуқ нормаларига бўлган талаб ҳам шу даражада юқори бўлмоғи лозимдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий тизими моҳиятини кўп жиҳатдан Конституциямизнинг Муқаддимасида мустаҳкамланган қоидалар белгилаб берган. Бу эса инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети тамойилларига ҳурмат билан қараш; ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш; ижтимоий адолат ва демократия ғояларига содиқ бўлиш; халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф қилган принциплари ва нормаларининг устуворлиги; инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш каби қоидаларда намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг

мустаҳкам пойдевори шаклланди. Маълумки, жамиятнинг ҳуқуқий тизими ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, ўзаро боғлиқ ва ўзаро биргаликда ҳаракатда бўлувчи ҳуқуқий воситаларнинг йиғиндисидан, шунингдек у ёки бу давлатнинг ҳуқуқий ривожланиш даражасини белгилайдиган элементлардан биридир.

Умуман курс ишини ёзиш давомида қўйидаги хулосаларга келинди:

- Ҳуқуқ нормаси – барча ҳуқуқ субъектлари учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки санкцияланадиган хатти-ҳаракат қоидаси, хулқ-атвор намунаси бўлиб, унда ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланади. Муайян бир ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган юриш-туриш қоидасида жамият, халқ ҳаётининг моддий шароитлари билан белгиланадиган хоҳиш-иродаси, эрки, манфаатлари ифодаланади.
- Ҳуқуқ нормасининг хусусиятлари: 1) умуммажбурийлиги; 2) шаклий аниқлиги (ёки ифодаланганлиги); 3) давлат билан алоқадорлиги; 4) ҳуқуқ ва мажбурият юқловчилик хусусияти; 5) тизимлилиги; 6) қатийлиги; 7) умумий характерга эгалиги; 8) давлат эрки иродаси ифодалаши; 9) ҳуқуқ тизимидаги бирламчи хўжайралиги.

Ҳуқуқ нормасининг асосий вазифаси – ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қонунларнинг мажбурийлигини тامينлаш, Ҳуқуқ тизими бирламчи вазифасини ўташ, халқ ва давлат ўртасидаги муносабатларни белгилаш ва хоқозолардан иборат.

Ҳуқуқ нормаси мавзусини ўрганиб чиқиб қўйидаги ишларни амалга оширсак мақсадга мувофиқ бўлади деган таклифни киритаман.

Биринчи: ҳуқуқ нормасининг мажбурийлигини кучайтириш чора тадбирларини амалга ошириш,

Иккинчи: ҳуқуқ нормасининг қисқа ва лўнда ,тушунарли бўлишини тامينлаш,

Учинчи: қабул қилинаётган ҳуқуқ нормаларининг мукамаллиги ва тўғрилигини тامينлаш,

Тўртинчи: ҳуқуқ нормаларининг қамровини кенгайтириш

Бешинчи: ҳаётий мунособатлардаги типик ,такрорланиб турадиган нарсаларга норманинг аралашмаслигини тامينлаш,бунинг учун албатта зарурат бўлмаслиги керак:

Олтинчи: қабул қилинаётган нормаларнинг оммага эълон қилишни кучайтириш механизмларини оширишда матбуот хизматидан фойдаланишни кучайтириш

Еттинчи: қабул қилинаётган ҳуқуқ нормасининг бажарилишини тامينлаш учун тарғибод ташғибод гуруҳлари ташкил этиш кабилардан иборат.

Саккизинчи: ҳуқуқ нормаларини турларига ҳуқуқ нормасини амал қилиш муддатига кўра турини киргизиш,уни иккига, доимий ва вақтинчалик ҳуқуқ нормаларига бўлишни таклиф этаман,сабаби қабул қилинган нормаларнинг базилари узоқ вақт амалда бўлади.Масалан Канституция моддалари.

Бази қабул қилинаётган ҳуқуқ нормаси малум муддат амалда бўлиб кейин муомаладан чиқиб кетади.Масалан,пензионерлар оид,ногиронларга оид бази қабул қилинган ҳуқуқ нормалари.

Ушбу мамзу юзасидан киритган таклифларим шулардан иборат. Демак ҳуқуқ нормаси давлат ва фуқоро ўртасида муомала ричаги сифатида алохида ўрин тутати. Ҳуқуқ нормалари ички таркибий унсурлари ўртасидаги узвий мантикий боғлиқликка эришиш ўз ўрнида ушбу ҳуқуқ нормаларининг ҳаётийлигини, барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тизимининг ажралмас таркибий қисми сифатида миллий ҳуқуқий тизимни ривожлантиришда, халқнинг ҳуқуқий онгни ва маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.

Раҳбарий адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси .-Т.: “Ўзбекистон”.2003.-40 б.
2. Каримов.И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари.–Т.: ”Шарқ”.1998.-102 б.
3. Каримов И.А. “Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида“.-Т.: “Ўзбекистон” 1997.-429 б.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар .

1. ”Ўзбекистон Республикаси Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни.-Т.:Ўз Р Адлия вазирлиги, 2004 -70 б.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонун. 12.12.2002 йилда қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 213 м. // ЎзР қонуни билан ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67 б.
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун. 12.12.2002 йилда қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 215 м. // ЎзР қонуни билан ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67 м.
4. “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 14.12.2000 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001, N 1-2, 8 м. // 12.12.2003 й. N 568-II; 03.12.2004 й. N 714-II Ўзбекистон

Республикаси Қонуни билан ўзгартириш киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари 2004, N 1-2, 18 м.; 2005, № 1, 18 м.

5. Ўз. Р. ”Фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни 1992 йил 2 июль.
6. ”Таълим тўғрисида”ги Қонуни 1992.
7. Ўз. Р. Оила кодекси -Т.: “Адолат” 1998.
8. Ўз. Р. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси –Т.: Ўз. Р. Адлия вазирлиги . 2001.-408 б.
9. Ўз. Р. Жиноят кодекси .-Т.: Ўз. Р. Адлия вазирлиги . 2001 -376 б.

Асосий адабиётлар.

1. Аҳмадшаева М., Нажимов М. Ҳуқуқ нима? –Т.: ТДЮИ , 2003.-35 б.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси . Дарслик / Масъул муҳаррирлар Ҳ. Б. Бобоев ,Ҳ.Т. Одилқориев. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000 528 б.
3. Исломов.З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси . Ўқув қулланма .-Т.: ТДЮИ , 2004. -138 б.
4. Исломов.З. М. Общество . Государство. Право. –Т.: Адолат , 2001. 696 с.
5. Исломов. З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари : ҳуқуқ тушунчаси , ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги / Ўқув қулланма .-Т.: ТДЮИ .2005. -187 б.
6. Марченко .М.Н. Теория государство и права :Учебник . 2-е изд., перераб . и доп .-М.: ТК Велби ,Изд-во Проспект, 2004 . 640 б.
7. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.В. Икки палатали парламент , -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2005. -344 б.
8. Рашидов К . Коллизион нормаларнинг моҳияти . –Т.: Давлат ва ҳуқуқ .2004.

9. Саидов А., Тожиhoнов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси . 2-жилд . Ҳуқуқ назарияси . –Т .: Адолат , 2001, -560 б.
10. Саидов А.,Тожиhoнов У.,Одилқориев.Ҳ. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Дарслик . –Т.: Шарқ , 2002 , 720 б.
- 11.Теория Государство и права . Уч для студ вузов . Под Ред С.С. Алексеева –М . Юрид . лит 1985 480 с.

Мундарижа

Кириш.....	2
Ҳуқуқ нормаси тушунчаси.....	5
Ҳуқуқ нормасининг мазмуни, белгилари.....	9
Ҳуқуқ нормаларининг турлари.....	16
Ҳуқуқ нормасининг таркибий тузилиши.....	27
Хулоса.....	32
Фойдаланилган адабиётлар.....	34